

«ТАСДИҚЛАНГАН»

"NAVOIY EIZ DIREKSIYASI" AJ
Кузатув Кенгаши умумий йиғилишининг
2019 йил 07октябрдаги
1-сонли қарори билан

«Навоий» эркин иктисадий зонаси дирекцияси» акциядорлик жамиятининг

«АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ТҮҒРИСИДА»ГИ НИЗОМИ

Навоий - 2019 йил

МУНДАРИЖА

- 1. Умумий қоидалар**
- 2. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари ва қарорларни қабул қилиш**
- 3. Акциядорлар умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқи. Акциядорларни ва уларнинг ваколатли вакилларини рўйхатдан ўтказиш**
- 4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш**
- 5. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш**
- 6. Акциядорлар умумий йиғилиши кворуми**
- 7. Акциядорлар умумий йиғилишнинг ишчи органлари**
- 8. Акциядорлар умумий йиғилишни олиб бориш тартиби**
- 9. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси**
- 10. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорларини бажариш**

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур низом «Навоий» эркин иктисодий зонаси дирекцияси» акциядорлик жамияти (матн бўйича “жамият”) акциядорлари умумий йиғилиши мавқеини белгилайди ва унинг ишини, уни ўтказиш ва қарорлар қабул қилинишини тартибга солади.

1.2. Мазкур низом АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ВА АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТҮҒРИСИДА"ги ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 1996 йил 26 апрель кунидаги 223-I-сонли ҚОНУНИ ва “Навоий ЭИЗ” АЖнинг уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

1.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай, одатда июн ойида ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (бош директор) билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек жамиятнинг йиллик ҳисботи, ижроия органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўлланилаётган чоралар тўғрисидаги ҳисботлари ва мазкур низомнинг 2.1.10. ва 2.1.11. бандларида назарда тутилган бошқа масалалар кўриб чиқилади.

1.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан бошқа ўтказиладиган йиғилишлар навбатдан ташқари йиғилишлар ҳисобланади.

1.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

2. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИННИГ ВАКОЛАТЛАРИ ВА ҚАРОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

2.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуидагилар киради:

2.1.1. жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш, жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бундан мустасно;

2.1.2. жамиятни қайта ташкил этиш;

2.1.3. жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва яқуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

2.1.4. жамият кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

2.1.5. эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

2.1.6. жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;

2.1.7. ўз акцияларини олиш;

2.1.8. жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Бош директорни сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Бош директорни сайлаш (тайинлаш) хорижий менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида амалга оширилади. Шунингдек жамият кузатув кенгаши жамиятнинг Бош директори билан тузилган шартномани, агар у жамият уставини қўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳукуқига эга;

2.1.9. жамият тафтиш комиссиясини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

2.1.10. жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқкан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

2.1.11. жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;

2.1.12. жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хуносаларини эшлиш;

2.1.13. имтиёзли ҳукуқни қўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 35-моддасида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

2.1.14. акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

2.1.15. акцияларни майдалаш ва йириклиштириш;

2.1.16. жамият бош директорига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни энг юқори миқдорларини белгилаш;

2.1.17. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 8-бобига мувофиқ жамият томонидан баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соғ активлари миқдорининг

эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.1.18. Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 9-бобига мувофиқ жамиятнинг аффилланган шахси билан битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.1.19. Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;

2.1.20. Жамиятнинг бошқарув органлари тўғрисидаги, шу жумладан ахбарот сиёсати, ички назорат, дивиденд сиёсати ва манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш;

2.1.21. ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўtkазиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.1.22. Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни белгилаш;

2.1.23. ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўrsatiш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини кузатув кенгашига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.1.24. электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўtkазиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

2.1.25. саноқ комиссиясига амалий кўмак кўrsatiш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қофозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

2.1.26. Жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини сақлаш харажатини қоплаш (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

2.1.27. акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисбот берувчи Жамият бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;

2.1.28. мазкур низомга, жамият уставига ва қонун хужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

2.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг бош директорига ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

2.3. Ушбу низомнинг 2.1.1. - 2.1.3., 2.1.5., 2.1.12. и 2.1.17. бандларида кўrsatilgan масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

2.4. Овозга қўйилган бошқа масалалар бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

2.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси — битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, жамиятнинг кузатув кенгashi аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

2.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади.

2.7. Овоз берилганида овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш варианларидан фақат биттасини қолдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади. Мазкур талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

2.8. Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир нечта масала кўрсатилган бўлса, бир ёки бир нечта масалага нисбатан мазкур банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган талабга риоя этилмаганлиги бюллетеннинг умуман ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлмайди.

2.9. Акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар овоз беришда биргалиқдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиши мумкин.

2.10. Жамиятнинг миноритар акциядорлари ҳужжатларни асоссиз равища талаб қилиш ва маҳфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан Жамият бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

3. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШДА ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚИ. АКЦИЯДОРЛАРНИ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

3.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

3.2. Жамият акциядорнинг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

3.3. Жамият акциядорларининг шакллантирилган реестрига ўзгартиришлар фақат реестр тузилган санада кўрсатиб ўтилган реестрга киритилмаган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки уни тузишда йўл қўйилган хато тузатилган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилиши мумкин.

3.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишида жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар, уларнинг ваколатли вакиллари, ички аудит хизмати ходимлари, аудит текшируви ўтказган аудиторлик ташкилотлари вакиллари, кузатув кенгashi, тафтиш комиссияси аъзолари ва бош директор, шунингдек миноритар акциядорлар қўмитаси (мавжуд бўлганда) вакили ва умумий йиғилиш раисининг таклифига кўра бошқа шахслар ҳозир бўлиш ҳуқуқига эгадир.

3.5. Йиллик умумий йиғилишда Бош директор, Кузатув кенгashi ва Тафтиш комиссияси аъзолари, шунингдек аудиторлик ташкилоти вакиллари ўзларининг органлари ёки ўзларининг ҳисоботлари билан қатнашилари шарт.

3.6. Жамият кузатув кенгashi ва тафтиш комиссияси аъзолигига ҳамда бош директор лавозимига номзодлар ўзларининг номзодлари кўриб чиқилаётганда акциядорлар умумий йиғилишида қатнашишлари мумкин.

3.7. Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари йиғилиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган жой ва вақт бўйича рўйхатдан ўтишлари керак.

3.8. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим.

3.9. Умумий йиғилишда қатнашиш учун келган жисмоний шахслар бўлган акциядорларни рўйхатдан ўтказиш паспорт ёки акциядорнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат кўрсатилгач, вакилга нисбатан эса нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома кўрсатилгач амалга оширилади.

3.10. Юридик шахс (жамият акциядори) раҳбари умумий йиғилишдаги ўз ваколатларини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги ҳукуқий ҳужжат ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида амалга оширади.

3.11. Юридик шахснинг (жамият акциядорининг) вакили акциядорлар умумий йиғилишида ушбу юридик шахс раҳбарининг имзоси ёки бунга таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган бошқа шахснинг имзоси ва юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган унинг номига берилган ишончнома мавжуд бўлган тақдирда қатнашиши мумкин.

3.12. Агар жамиятнинг акцияси бир нечта шахснинг умумий улушли мулкида бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ваколатлари уларнинг хоҳишига кўра умумий улушли мулк иштирокчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган ҳар бир шахснинг ваколатлари тегишли тарзда расмийлаштирилган бўлиши керак.

3.13. Жамият акциядорлари реестрига биноан биринчи иловага мувофиқ шакл бўйича қайд этиш рўйхати тузилади. Қайд этиш рўйхати рисола ҳолига келтирилган, тартиб рақами қўйилган, ип ўтказиб тикилган ва акциядорлик жамияти муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

3.14. Умумий йиғилишни ўтказиша акциядорлар (уларнинг вакиллари) қайд этиш рўйхатига имзо чекадилар ва жамият акциядорлари реестри маълумотлари бўйича белгиланган ҳар бир акциядорнинг овоз берувчи акциялари сонидан келиб чиқиб овоз бериш учун бюллетеңлар тўпламини оладилар (бюллетең намунаси иккинчи иловада келтирилган).

3.15. Агар йиғилиш қатнашчиси бир ёки бир неча акциядорнинг манфаатларини ифодалашга ишончнома тақдим этса, у ҳолда унга у ифодалаётган акциядор (акциядорлар) учун овоз беришга бюллетең берилади, рўйхатдан ўтиш рўйхатида эса у ифодалаётган акциядорнинг фамилияси қарисига «_____та (сони) овоз берувчи акциялар бўйича «_____» да берилган ишончнома бўйича» деган ёзув қайд этилади ҳамда вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

3.16. Акциядорларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари барча акциядорларга уларнинг улуси, даромад даражаси, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил муносабатни таъминлайди.

4. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИФИЛИШНИ ҮТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КҮРИШ

4.1. Умумий йиғилишни белгиланган муддатда ва сифатли үтказишга тайёргарлик күриш учун ижроия органи корпоратив маслаҳатчи (мавжуд бўлганда) билан қуидагиларни амалга оширади:

кузатув кенгаши қарори билан белгиланган аудиторлик ташкилоти билан, шу жумладан молиявий ҳисоботларни Халқаро молиявий ҳисобот стандартлар асосида тузиш ва халқаро аудит стандартлари асосида ташқи аудитдан үтказиш бўйича текширувни тугатиш аниқ саналарини белгилаган ҳолда шартномалар тузади;

жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан үтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши үтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилинишини таъминлайди;

Ижроия органи шунингдек қуидагиларни тайёрлайди:

акциядорларнинг умумий йиғилишини үтказиш лойиҳасини, соф фойда тақсимоти (заарларни қоплаш)ни, ҳар бир йўналиш бўйича асослантирувчи иловалар билан ва бошқа умумий йиғилишда кўриб чиқилиши лозим бўлган хужжатларни, шунингдек саноқ комиссиясини тузиш бўйича таклифни. Акциядорлар томонидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритиш учун билдирилган таклифларни, шу жумладан кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига таклиф этилган номзодлар тўғрисидаги маълумотларни ва бошқаларни;

йиллик ҳисобот и йиллик бизнес-режа, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узок муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегияси лойиҳаларини;

бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилиши бўйича ижроия органи ҳисботовини ва жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш учун режа ва қўлланиладиган чоралар, аудиторлик текширувни үтказиш учун танлов үтказиш ва бошқа масалалар.

4.1.1. Ижроия органи ушбу Низомнинг 4.1.-банди, иккинчи қисмида кўрсатилган масалалар бўйича маълумотларни тайёрлаб, Кузатув кенгаши мухокамасига киритади.

4.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини үтказишга тайёргарлик кўрилаётганда жамиятнинг кузатув кенгаши қуидагиларни белгилайди:

- умумий йиғилиш үтказиладиган сана, вақт ва жойни;
- умумий йиғилишнинг кун тартибини;
- умумий йиғилиш үтказиш учун жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;
- умумий йиғилиш үтказилиши ҳақида акциядорларга ва давлат вакилига хабар қилиш тартибини;
- умумий йиғилишни үтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;
- овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

4.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш түғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

4.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш түғрисидаги хабар (хабарнома намунаси учинчи иловада келтирилган) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

4.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш түғрисидаги хабарда қўйидагилар кўрсатилиши керак:

- жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;
- умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;
- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби.

4.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) жамиятнинг йиллик ҳисботи, жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг хulosаси, жамият кузатув кенгашининг бош директор билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги түғрисидаги хulosаси, кузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар түғрисидаги маълумотлар, жамиятнинг уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси, шунингдек жамиятни ўрта ва узоқ муддатга ривожлантириш стратегияси ва кун тартибидаги бошқа масалалар бўйича маълумотлар, шу жумладан кузатув кенгашининг умумий йиғилиш кун тартибидаги масалаларга ёндашуви түғрисидаги маълумотлар киради.

4.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

4.8. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин тўқсон кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар, шу жумладан фойда тақсимоти бўйича таклифлар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга (таклиф намунаси тўртинчи иловада келтирилган) ҳақли.

4.9. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

4.10. Жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиши тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод жамият акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

4.11. Жамиятнинг кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда мазкур низомнинг 4.7. бандида белгиланган муддат тугаганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибиغا киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

4.12. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибиغا, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар жамиятнинг кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ушбу низомнинг 4.7. бандида белгиланган муддатга акциядорлар (акциядор) томонидан риоя этилмаган бўлса;
- акциядорлар (акциядор) жамиятнинг ушбу низомнинг 4.7. бандида назарда тутилган миқдордаги овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;
- агар таклифдаги маълумотлар тўлиқ бўлмаса;
- таклифлар қонун хужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.

4.13. Акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига ўzlари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

4.14. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибиغا ёки номзодни жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

4.15. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибиغا ёки номзодни жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

5. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНІ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

5.1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра:

- унинг ўз ташаббуси асосида;
- тафтиш комиссиясининг ёзма талаби асосида;
- ёзма талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камидা беш фоизига эгалик қилувчи акциядорларнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби (ёзма талабнинг намунаси бешинчи иловада келтирилган) асосида ўтказилади.

5.2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш түғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

5.3. Жамият тафтиш комиссиясининг ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

5.4. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият тафтиш комиссиясининг ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

5.5. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш түғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиқсан тақдирда, бу талабда умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

5.6. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш түғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

5.7. Жамиятнинг тафтиш комиссияси ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш түғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичидаги жамият кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш түғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

5.8. Жамият тафтиш комиссиясининг ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш түғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

- акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) ушбу низомнинг 5.1. бандида назарда тутилган миқдордаги жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;
- кун тартибиага киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;
- кун тартибиага киритиш учун таклиф этилган масала қонун хужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.

5.9. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш түғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

5.10. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш түғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

5.11. Жамият кузатув кенгаши ушбу низомда белгиланган муддат ичиде акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш түғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамиятнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

6. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ КВОРУМИ

6.1. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

6.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

6.3. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

6.4. Акциядорларнинг такорий умумий йиғилишини ўтказиш түғрисида хабар ушбу низомда назарда тутилган тартибда, шаклда ва муддатларда амалга оширилади.

6.5. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

7. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ

7.1. Қуйидагилар умумий йиғилиш ишчи органлари ҳисобланади: раёсат, саноқ комиссияси, котиб (котибият).

7.2. Акциядорлар умумий йиғилиши раёсати ва раиси акциядорлар умумий йиғилишида сайланади. Акциядорларнинг умумий йиғилишини жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

7.3. Акциядорлар умумий йиғилиши раиси йиғилиш раёсатига бошчилик қиласди, йиғилиш олиб борилишини таъминлайди ва ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган барча ваколатларга эга бўлади.

7.4. Умумий йиғилиш раиси акциядорлар умумий йиғилишини аудио ва видеο ёзувларини амалга оширишга ва интернет тармоғи орқали узатишга рухсат беришга ҳақли.

7.5. Умумий йиғилиш раиси йиғилиш ўтишига раҳбарлик қиласди, ишчи органлари ишини мувофиқлаштиради, масалаларни мухокама қилиш тартибини

белгилайди, маъruzачиларнинг нутқ сўзлашлари вақтини чегаралайди, йиғилишни олиб бориш ва овоз бериш давомида тушунтиришлар беради, залда тартиб ўрнатилишини назорат қиласи.

7.6. Умумий йиғилиш раиси умумий йиғилиш баённомасини имзолайди.

7.7. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

7.8. Агар саноқ комиссиясининг вазифаларини бажариш учун мустақил экспортлар жалб қилинган бўлса саноқ комиссиясининг ишларини улар амалга оширади.

7.9. Саноқ комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши керак. Саноқ комиссияси таркибига жамият кузатув кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари, жамият бош директори шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас.

7.10. Овозларни санаш, акциядорларнинг умумий йиғилишига қатнашиш учун акциядорларни рўйхатдан ўтказиш, шунингдек овоз бериш учун бюллетенларни тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан тузиладиган, сон ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланадиган саноқ комиссияси томонидан амалга ошилади.

7.11. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш пайтида саноқ комиссияси кузатув кенгашининг топшириғига кўра қуйидаги функцияларини амалга оширади:

- акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузади;
- овоз бериш бюллетенларини ва умумий йиғилишнинг бошқа материалларини беради ва юборади, берилган (юборилган) бюллетенлар ҳисобини олиб боради.
- умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорларни (уларнинг вакилларини) рўйхатдан ўтказади;
- ишончномалар ва улар томонидан бериладиган ҳуқуқлар ҳисобини юритади;
- овоз бериш бюллетенларини ва умумий йиғилишнинг бошқа ахбороти (материаллари)ни тарқатади;
- акциядорлар умумий йиғилиши кворуми бор ёки йўқлигини аниқлайди.
- акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқини амалга ошириш муносабати билан пайдо бўлувчи масалаларни тушунтиради;
- овоз беришга қўйилаётган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;
- овоз беришнинг белгиланган тартибини ва акциядорларнинг овоз беришда қатнашиши ҳуқуқини таъминлайди;
- овозларни санайди ва овоз бериш якунларини чиқаради;
- овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади;

- овоз бериш бюллетенларини архивга топширади.

7.12. Умумий йиғилиш котибиятининг сон ва шахсий таркиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

7.13. Умумий йиғилиш котибияти:

- умумий йиғилишнинг боришини баёнга қайд этиб боради;
- ёзма буюртманомалар бўйича йиғилиш кун тартиби масалаларини муҳокама қилишда қатнашиш истагини билдирувчилар рўйхатини олиб боради;
- умумий йиғилиш тамом бўлгандан сўнг 10 кундан кечиктирмай акциядорлар умумий йиғилиши баёнини икки нусхада тузади.

8. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ

8.1. Акциядорлар умумий йиғилишини олиб бориш тартиби акциядорларнинг ҳар бир умумий йиғилишида мазкур низомга мувофиқ тасдиқланади.

8.2. Кузатув кенгashi раиси умумий йиғилишнинг раёсатини ва котибини шунингдек зарур бўлган холларда саноқ комиссиясини янги таркибини сайлашни таклиф этади.

8.3. Умумий йиғилишни олиб бориш тартиби йиғилишнинг бошланиши ва тахминан тамом бўлиш вақтини, нутқлар қанча давом этиши ва танаффусларни, кун тартиби масалаларининг изчилигини, кун тартиби масалалари бўйича маърузачиларнинг фамилиялари ва лавозимларини, овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини назарда тутади.

8.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг ҳар бир қатнашчиси белгиланган вақт доирасида сўзга чиқиш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқни таъминлаш акциядорлар умумий йиғилиши раисининг зиммасида бўлади.

8.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишида ижроия органи, кузатув кенгашига тўланаётган ҳақ ва компенсациялар миқдори, шунингдек соф фойда тақсимоти, дивиденд миқдори, таклиф қилинаётган миқдор асослантирилган ҳолда, уларнинг жамият томонидан қабул қилинган дивиденд сиёсатига мос келишини баҳолаш (зарур бўлган ҳолларда, соф фойданинг жамиятни ривожлантиришга йўналтирилган қисмини иқтисодий асослаш ва тушунтириш) тўғрисидаги маълумотларни ошкор этади.

8.6. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда қатнашиш истагини билдирганлар умумий йиғилиш котибиятига муҳокама қилинадиган масалани кўрсатган ҳолда буюртманома беришлари лозим.

8.7. Кун тартибининг барча масалалари муҳокама қилингандан кейин раис акциядорлар умумий йиғилишини ёпиқ деб эълон қилади.

8.8. Жамият, акциядорлар умумий йиғилишида қатнашган шахсга, шу тоифадаги шахсга тўлдириган бюллетеидан нусха олиш имкониятини беради.

9. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИННИГ БАЁННОМАСИ

9.1. Акциядорлар умумий йиғилишида баённома юритилади.

9.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;

- жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;
- умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;
- умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.
- акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маъruzаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар;
- шунингдек, агар акциядорлар умумий йиғилишида аудио ва видое ёзувлар амалга оширилган ва интернет тармоғи орқали узатилган бўлса, ушбу маълумотлар хам кўрсатилиши лозим.

9.3. Баённоманинг ҳар иккала нусхаси ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

9.4. Саноқ комиссияси баёни йиғилишнинг маҳсус қарори билан тасдиқланмайди, балки маълумот учун қабул қилинади ҳамда умумий йиғилиш баённомасига қўшиб қўйилиши керак.

9.5. Акциядорлар умумий йиғилиши баёни имзолангандан сўнг саноқ комиссияси йиғилиш ҳужжатларини, шу жумладан умумий йиғилишнинг рўйхатдан ўтиш рўйхатини, саноқ комиссияси аъзолари томонидан мухранган овоз бериш бюллетеңларини, овоз бериш якунлари тўғрисидаги баёнини ва акциядорлар умумий йиғилиши баёнини сақлаш учун жамият архивига топширади.

10. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ

10.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари акциядорлар эътиборига:

- акциядорлар умумий йиғилиши тугаганидан сўнг эълон қилиш;
- акциядорлар умумий йиғилиш баённомаси тузилган санадан икки иш куни давомида мухим факт тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш йуллари билан етказилади.

Агар жамият акциялари фонд биржасининг листингига киритилган бўлса жамият фонд биржасининг расмий веб-сайтида тегишли ахборотни эълон қилиши шарт.

10.2. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари бажарилиши устидан назорат қилишни, башарти йиғилиш қарорида ўзгача ҳол қайд этилмаган ва баёнда акс эттирилмаган бўлса, жамият кузатув кенгаши амалга оширади.

10.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари умумий йиғилишда ҳозир бўлган, шунингдек ҳозир бўлмаган барча акциядорлар томонидан, уларга тегишли ва қонунчиликка зид бўлмаган қисми бўйича бажарилиши мажбурийдир.

«Акциядорлар умумий йиғилиши тұғрисида»ги
Низомнинг 1-иловаси

«Навоий» әркин иктисадий зонаси Дирекцияси» акциядорлик жамиятининг ____ йил “___” ____ да үтказилган
акциядорлар йиллик (навбатдан ташқари) умумий йиғилишининг

ҚАЙД ҚИЛИШ РҮЙХАТИ

№ т/р	Акциядорнинг Ф.И.Ш. ёки номи	Овоз берувчи акциялар сони	Акциядор имзоси	(Акциядор вакили қатнашганда тұлдирілади)				
				Акциядор вакилининг Ф.И.Ш.	Ишончнома рақами	Ишончнома берилған сана	Овоз берувчи акциялар сони	Вакилнинг имзоси
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Жами _____ дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган йиғилиш қатнашчиларнинг рўйхатга олинган сони _____ киши.

Йиғилиш кворуми (жами овоз берувчи акциялар сонига нисбатан фоизда)_____ %.

Саноқ комиссия аъзолари:

_____ Ф.И.Ш.
(имзо)
_____ Ф.И.Ш.
(имзо)
_____ Ф.И.Ш.
(имзо)

«Акциядорлар умумий
йиғилиши тұғрисида»ги
Низомнинг 2-иловасы

«Навоий» әркин иктисади зонаси Дирекцияси» акциядорлик жамиятининг _____
йил «_____» ____ да соат _____ да қуидаги манзил бүйича:
_____ да бўлиб ўтаётган акциядорларнинг йиллик
(навбатдан ташқари) умумий йиғилишида _____ дона овоз берувчи акцияга эга
_____ нинг
(юридик шахс акциядорнинг тўлиқ номи ёки жисмоний шахс акциядорнинг Ф.И.Ш.)

_____ - сонли БЮЛЛЕТЕНИ *

Кун тартибидаги масалалар бўйича овоз беришда фақат овоз бериш
вариантларидан «ёқлайман», «қаршиман» ёки «бетарафман» биттасини танланг
(вариантларни танлаш усули: X, ✓ ёки төзишли устунга овозлар сонини ёзиб
куйинг).

№	ОВОЗ БЕРИШГА ҚҮЙИЛГАН МАСАЛАЛАР	ЁҚЛАЙМА Н	ҚАРШИМ АН	БЕТАРАФМ АН

Кузатув кенгашини сайлаш юзасидан кун тартибидаги масала бўйича овозлар
сони (овоз берувчи акциялар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланниши
лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади) - _____. Сиз шу тариқа
олган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ
номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлисиз.

№	ОВОЗ БЕРИШГА ҚҮЙИЛГАН МАСАЛАЛАР		Кузатув кенгаши таркибиға сайланыётган номзодга берилган овозлар сони
	Кузатув кенгашининг таркибиға сайлансанн:	Номзоднинг Ф.И.Ш.	

ФИШ _____

(имзо)

Овоз бериш бюллетени акциядор (унинг вакили) томонидан имзоланиши лозим.

* Акциядорни қайд қилиш рўйхатидаги тартиб рақами ёзилади.

«Акциядорлар умумий
йиғилиши тұғрисида»ги
Низомнинг З-иловаси

«Навоий әркин иктисадий зонаси Дирекцияси»
акциядорлик жамияти акциядорларнинг йиллик
(навбатдан ташқари) умумий йиғилишини үтказиш тұғрисидаги

ХАБАРНОМА

Хурматли акциядор! «Навоий әркин иктисадий зонаси Дирекцияси» акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг _____ йил «____» ____ да бўлиб ўтган мажлис қарорига асосан акциядорлар йиллик (навбатдан ташқари) умумий йиғилиши _____ йил «____» ____ да соат ____ да қуидаги манзил бўйича: _____ да үтказилади. Йиғилишга келган акциядорларни (уларни вакилларини) рўйхатга олиш соат _____ дан - _____ гача амалга оширилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши үтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси _____ йил «____» ____ ва акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси _____ йил «____» ____.

Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига қуидаги масалалар киритилган:

- 1.
- 2.
- 3.

Акциядорлар танишиши мумкин бўлган материаллар (хужжатлар):

- 1.
- 2.
- 3.

Йиғилишда иштирок этиш хукуқига эга акциядорлар ўзлари билан шахсини тасдиқловчи хужжат, жисмоний шахс акциядорнинг вакили эса шахсини тасдиқловчи хужжат ва нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома, юридик шахс акциядорнинг вакили эса шахсини тасдиқловчи хужжат ва юридик шахсни раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган ишончнома билан келишлари шарт.

Акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик қўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган материаллар «Навоий әркин иктисадий зонаси Дирекцияси» акциядорлик жамиятига _____ дан _____ гача соат _____ дан _____ гача ёзма мурожаат келиб тушган сўнг тақдим этилади.

«Навоий әркин иктисадий зонаси Дирекцияси» акциядорлик жамияти жойлашган жойи (почта манзили) ва электрон почта манзили:

Батафсил маълумот учун алоқа телефони: _____

«Акциядорлар умумий
йиғилиши тұғрисида»ги
Низомнинг 4-иловаси

«Навоий Эркин Иктисадий
Зонаси Дирекцияси»
акциядорлик жамияти

Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига
жамият акциядори _____ нинг

ТАКЛИФИ

Эгалик қилаётган акциялар сони:

_____ дона оддий,
_____ дона имтиёзли.

Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига киритилаётган
масаланинг таърифи (киритиш сабабларини күрсатган холда):

Кузатув кенгаши таркибига таклиф этилаётган номзодлар (нозоднинг
Ф.И.Ш., иш жойи, лавозими, жамият акцияларига эга бўлса уларнинг сони
(турларини кўрсатган холда)):

Тафтиш комиссияси таркибига таклиф этилаётган номзодлар (нозоднинг
Ф.И.Ш., иш жойи, лавозими, жамият акцияларига эга бўлса уларнинг сони
(турларини кўрсатган холда)):

Ф.И.Ш. _____

(имзо, сана)

**«Акциядорлар умумий
йиғилиши тұғрисида»ги
Низомнинг 5-иловаси**

**«Навоий Эркин Иктиносиди
Зонаси Дирекцияси»
акциядорлик жамияти**

**Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий
йиғилишини чақириш (үтказиш) тұғрисидаги
ТАЛАБ**

Йиғилишни үтказишни талаб қилаётган шахснинг Ф.И.Ш. ёки номи (агар талаб тафтиш комиссияси томонидан бўлса, унда бу ҳақда маълумот кўрсатилиши лозим):

Эгалик қилаётган акциялар сони (акциядор томонидан талаб киритилган холларда тўлдирилади):

_____ дона оддий,
_____ дона имтиёзли.

Талабнинг мазмуни (йиғилишни чақириш (үтказиш) сабаблари кўрсатилади):

Йиғилиш кун тартибига киритилаётган масалани таърифи (киритиш сабабларини кўрсатган холда):

Кузатув кенгаши таркибига таклиф этилаётган номзодлар (нозоднинг Ф.И.Ш., иш жойи, лавозими, жамият акцияларига эга бўлса уларнинг сони (турларини кўрсатган холда)): _____

Ф.И.Ш. _____ (имзо, сана)